

---

"Маънавият қарвони" лойиҳаси иштирокчилари "Жасорат" медали соҳибаси 1-гурӯҳ ногирони, истеъдодли шоира Санобархон Тошхўжаева хонадонида

"Маънавият қарвони" лойиҳаси иштирокчилари бўлган пойтахтлик санъаткорлар ва ижодкорлар Олтиариқ тумани Янгиқўрғон МФЙда истиқомат қилувчи "Жасорат" медали соҳибаси 1-гурӯҳ ногирони, истеъдодли шоира Санобархон Тошхўжаева хонадонига ташриф буюриб, шоира билан дилдан суҳбат қурдилар. Суҳбат жараёнида санъаткорлар томонидан қўшиқлар куйланди, ижодкорлар ўзларининг шеърларини ўқиб бердилар. Ташрифдан илҳомланган Санобархон опа барча меҳмонларга чин қалбдан ташаккур билдириб, ўзининг ижод намуналарини меҳмонларга тақдим этди.

2023-04-01 09:29:32